ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ САМАРАЛИ ЯКУНЛАНДИ — 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-5-бетлар

БОБУР ИЖОДИНИНГ САРА НАМУНАЛАРИ — 6-бет

ЗИЙРАК БОБО НИМА ДЕЙДИ? — 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 29 (10.334) / 2005 ЙИЛ 11 ФЕВРАЛЬ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, кейинги йилларда коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш тизимига бозор механизмларини жорий этиш бўйича зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилди, уй-жой мулкдорлари билан коммунал хизмат кўрсатувчилар ўртасида шартномавий муносабатлар мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил қилиш жараёни ва уларнинг фаолияти юзаки олиб борилмоқда, амалда тасодифий кишилар ихтиёрига бериб қўйилган, кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва уларни сақлаш ниҳоятда қониқарсиз аҳволда, кўрсатилган коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг тўлов интизоми ҳамон пастлигича қолмоқда.

Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг шаҳарлар — вилоят марказларида, Тошкент шаҳри туманларида, шунингдек, аҳолиси 60 минг кишидан ошадиган, кўп хонадонли уйларга эга бўлган шаҳарларда Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг уюшмаларини (бундан буён матнда УМШ Уюшмалари деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, ташкил этиладиган УМШ Уюшмаларининг муассислари таркибига уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (бундан буён матнда — УМШ деб юритилади), коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг таъмирлаш-қайта тиклаш, авария хизматлари, шунингдек, тегишли ҳудудлардаги кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва таъмирлаш билан шуғулланувчи бошқа пудрат ташкилотлари кирадилар.

2. Қуйидагилар УМШ Уюшмаларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

уй-жойлар ҳамда уйлар яқин атрофидаги ҳудудларни техникавий ва санитария жиҳатдан яхши ҳолатда сақлаш, уй-жой фондини куз-қиш фаслига тайёрлаш ва ундан фойдаланиш масалаларида УМШнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

уй-жой фондининг техникавий ҳолатини сақлаш, уй-жойларни капитал ва жорий таъмирлаш, шунингдек, авария-қайта тиклаш ишларини ўтказиш масалалари бўйича УМШнинг эксплуатация, авария-таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш;

УМШнинг моддий-техника ресурслари ва сифатли уй-жой коммунал хизматларига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондирадиган тўлақонли бозор инфратузилмасини ташкил қилишга кўмаклашиш;

УМШнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш;

уй-жой мулкдорлари ширкатларининг кадрлари ҳамда раҳбарларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш.

Давоми 2-бетда.

«Ўзэлектроаппарат» акциядорлик жамияти жамоаси ўтган йилни муваффақиятли якунлаб, буюртмаларни сифатли адо этишди. Жорий йилда эса янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратиш кўзда тутилган.



**СУРАТДА: токарь Жаҳонгир Умаров сифатли маҳсулот тайёрлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

## ТОЖИКИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

**Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқил Оқилов 10 февраль куни амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.**

Икки мамлакат ўртасида ҳукумат делегациялари иштирокида музокара ўтказиб, келаси йилдаги ҳамкорлик бўйича фикрлашиб олиш яхши анъанага айланган. Мана шундай мулоқотларда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг музокараларида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Бош вазири Оқил Оқиловнинг яккама-якка суҳбатида асосий эътибор мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларига қаратилди. 2004 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 27 фоиз ўсгани, бу кўрсаткични янада ошириш имкониятлари кўплиги, икки томонлама муносабатларнинг президентлар томонидан қўйилган пойдевори мустаҳкам эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ва Тожикистон икки томонлама муносабатларни ривожлантириб бориш баробарида МДҲ, ШҲТ, МОҲТ каби минтақавий тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Кенгайтирилган тартибдаги музокарада ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик мавзуи марказий ўринни эгаллади. Хусусан, томонлар минерал ўғитлар, табиий газ ва ёқилғи-мойлаш материалларини етказиб бериш, сув-энергетика заҳираларидан фойдаланиш, шунингдек, транзитга оид масалаларни муҳокама қилди.

Икки мамлакат ўртасида 2005 йилда юк ташиш бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар ва Тожикистон Республикасининг Ўзбекистонга давлат қарзини қайтариши ҳамда 2005 йил февраль — 2006 йил апрель ойлари давомида сув ва энергетика заҳираларидан унумли фойдаланиш соҳасида ҳамкорликка доир ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

**● Ўзбекистон Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказида Польша республикаси кредит лойиҳасига оид шартнома имзоланди.**

**● Ўзбекистон Фанлар академиясида Алишер Навоийнинг ҳаёти, адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган анъанавий анжуманнинг 49-йиғилиши ўтказилди.**

**● Тошкентда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европадаги минтақавий бўлими, ЮНИСЕФ ҳамда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда шифокорлар учун тренинг ташкил этилди.**

**● Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Халқаро молия корпорацияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасида кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни ислоҳ қилиш истиқболларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**● Республика «Нуроний» жамғармасининг Сурхондарё вилоят кенгаши аъзолари Амударё бўйидаги ал-Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳи атрофида боғ барпо этиш ташаббуси билан чиқдилар.**

**● Юқори Чирчиқ тумани хотин-қизлар қўмитаси «Маҳалла» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда Сиҳат-саломатлик йилига бағишланган «Ибратли ҳаёт» тадбирини ташкил этди.**

**● Енгил атлетика бўйича ўтказилган Ўзбекистон Кубоги мусобақаларида 300 дан зиёд спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.**

### Жаҳонда

**● АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райснинг маълум қилишича, агарда Эрон давлати уранни бойитиш дастуридан воз кечмас экан, расмий Теҳрон билан барча алоқалар узиб қўйилади.**

**● Расмий Пхеньян ядровий тадқиқотларни тўхтатиш борасида ўтказилаётган кўп томонлама музокаларда қатнашмаслигини билдирди. Шу тариқа Пхеньян илк бор Шимолий Корея атом бомбасига эга давлат эканлигини ошкор қилди.**

**● Ироқ муваққат ҳукумати 17-22 февраль кунлари мамлакат чегаралари ёпилишини расман эълон қилган бўлса-да, бироқ, бунинг сабаблари изоҳланмаган.**

**● Испания пойтахти Мадрид шаҳри маъмурияти биноси олдида террорчилик ҳаракати содир этилди. Миналаштирилган автомобилнинг портлатилиши натижасида 30 га яқин киши турли даражадаги тан жароҳати олди.**

**● Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида БМТнинг ХАБИТАТ йўналиши бўйича энг яхши лойиҳаларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Маросимда жумладан, Ўзбекистон Тадбиркор аёллар уюшмасининг лойиҳаси ҳам мукофотланди.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Сергели туманидаги 305, 303, 2, 284-мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** шаҳримиздаги 127-мактабда Сиҳат-саломатлик йилига бағишлаб "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган семинар "Балоғат даври" деб номланди.

● **КЕЧА** Политехника касб-ҳунар коллежида "Маънавият ва маърифат" марказининг сергели туман бўлими ташаббуси билан "Алишер Навоий ва миллий маънавиятимиз" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

● **МИРОБОД** туман ҳокимлигида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ташаббуси билан "Камолот" етакчилари фаолиятини янада жонлантириш масалаларига бағишлаб семинар уюштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустрияси масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти, «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда УМШ шаҳар ва туман Уюшмаларининг Намунавий Низомини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Қуйидагилар тасдиқлансин:

шаҳар, туман Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасининг намунавий ташкилий тузилмаси ва бошқарув аппарати тузилмаси;

уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатига олиш тартиби ва ҳисобга қўйиш тўғрисидаги Низом.

Белгилансинки, Уюшмага кирувчи уй-жой мулкдорлари ширкатларининг раҳбарлари, таъмирлаш-қайта тиклаш ва авария хизматларининг, уй-жойлардан фойдаланиш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари (ташкилотлари)нинг вакиллари УМШ Уюшмалари аъзолари умумий йиғилишининг қатнашчилари ҳисобланадилар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари зиммасига УМШ Уюшмалари билан ишларни мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича қуйидаги вазифа ҳамда ваколатлар юклатилсин:

уй-жой фондидан фойдаланиш, жорий ва капитал таъмирлашни ўз вақтида амалга ошириш масалаларида УМШ фаолияти самарадорлигини мунтазам таҳлил қилиб бориш;

кўп хонадонли уй-жой фондида ўтказиладиган таъмирлаш-қайта тиклаш ишларининг тасдиқланган қурилиш норма ва қоидаларига мувофиқлигини назорат қилиш;

УМШ томонидан амалдаги қонунчилик бузилганлиги аниқланган ҳолларда уй-жой мулкдорларининг навбатдан ташқари йиғилишларини чақириш;

УМШ раислари ва ижрочи директорларини тайинлаш тўғрисида тавсияномалар, шунингдек, уларни уй-жой мулкдорларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этмаган, амалдаги қонунчиликни бузган тақдирда лавозимидан озод қилиш тўғрисида таклифлар киритиш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари шаҳар ва туманларда уй-жой коммунал хўжалиги масалаларига мутасаддилик қилувчи ҳоким ўринбосари бошчилигида уй-жой фондини сақлаш мониторинги комиссияларини тузсинлар, уларнинг таркибига кадастр, солиқ, молия хизматларининг, архитектура-қурилиш назорати, ички ишлар органларининг, маҳаллалар, УМШ Уюшмаларининг вакилларини жалб этсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Х.Тўхтаев, Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустрияси масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, УМШ Уюшмалари билан биргаликда 2005 йилнинг биринчи ярмида УМШ раҳбар ходимларини, жумладан тармоқ коллежлари базасида ўқитишни ташкил қилсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 5 июлдаги Ф-1992-сон Фармойиши билан тузилган Ишчи гуруҳ (Р.С.Азимов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманларнинг ҳокимликлари:

2005 йилнинг февраль-март ойларида битта УМШга бирлаштириладиган хонадонлар (уйлар) сонини қайта кўриб чиқиш ва мақбуллаштириш мақсадида кўп хонадонли уйлардаги уй-жой эгаларининг навбатдан ташқари йиғилишларини ўтказишни таъминласин;

2005 йилнинг 1 апрелига қадар муддатда УМШ ҳудудий уюшмаларининг таъсис йиғилишларини ўтказсин;

2005 йилнинг 1 майига қадар муддатда тузилаётган УМШ Уюшмаларини зарур хоналар, анжомлар, шунингдек ташкилий техника билан таъминласин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

1991 йилгача бўлган даврда қурилган кўп хонадонли уй-жой биноларини капитал таъмирлаш дастурларига уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан уй-жой биносини капитал таъмирлаш умумий смета қийматининг камида 30 фоизи ҳажмида молиялаштирилган уйлар киритилади;

кўп хонадонли уй-жой биноларида жойлашган бошқа мақсадларда фойдаланилаётган хоналарнинг эгалари турар-жой биносининг умумий мулкини сақлаш ва таъмирлашда иштирок этишлари мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари маҳаллий бюджетларга режадан ортиқча тушган маблағлар ҳисобидан таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари учун УМШга бюджетдан ссудалар берсин.

9. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Саноатконтехназорат», Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда белгиланган тартибда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

кўп хонадонли уйларда хоналарни реконструкциялаш, ўзгартириш ва қайта ускуналаш бўйича бинолар хавфсизлигини таъминлайдиган қурилиш норма ва қоидалари;

ҳар бир хонадонда совуқ ва иссиқ сув учун биттадан ошмайдиган ҳисоблагич асбоб ўрнатилишини кўзда тутадиган уй ичи ва хонадон ичи коммунал тармоқларининг схемалари энг мақбул бўлган кўп хонадонли уйларнинг намунавий лойиҳалари.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари уч ой муддатда:

ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаларини тугатиб, уларнинг вазифаларини коммунал хизматини ривожлантириш масалаларига масъул бўлган ҳоким ўринбосари котибияти ихтиёрига топширсинлар;

вилоят «Коммундренаж» ишлаб чиқариш корхоналарини шаҳар ва туман ҳокимликлари билан шартномалар асосида ихтисослаштирилган дренаж ишларини бажарувчи пудрат корхоналарига айлантирсинлар.

Шаҳар ва туманларни ободонлаштириш, кўчаларни ёритиш, дренаж ишларини бажариш масалалари нодавлат мулкчилик шаклида барпо этилаётган корхоналар томонидан маҳаллий ҳокимият органлари, УМШ Уюшмалари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан шартнома асосида ҳал этилиши белгилаб қўйилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар;

икки ой муддатда — «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Қонуни лойиҳаси.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**
**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 10 февраль.

# ТОКИОДА АЛИШЕР НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ

**Шарқнинг буюк мутафаккири, ўзбек халқининг атоқли шоири ва давлат арбоби Алишер Навоий туғилган кун муносабати билан Япониядаги етакчи олий ўқув юртларидан бири Сока университетида таниқли тарихчи ва адабиётшунос олимлар, ўқитувчи-профессорлар ҳамда талабалар иштирокида учрашув ўтказилди.**

Буюк шоир қолдирган мерос жаҳон мумтоз адабиётининг хазинасига айланган. Алишер Навоий қаламига мансуб асарлар қатор хорижий тилларга, хусусан, япон тилига ҳам таржима қилинган.

Шоирнинг ижод намуналари кунчиқар мамлакатнинг нуфузли олий билим даргоҳлари ва музейлари, жумладан, Киото университети, Токио университети, Ҳоккайдо университети, Сока университети, Токио хорижий тиллар университети ва Осакадаги Этнология миллий музейида сақланмоқда.

Сока университети проректори, профессор Й.Бабанинг фикрига кўра, япон олимлари ҳамда талабалари Шарқнинг буюк шоири ва алломаси Алишер Навоий ижоди, унинг бебаҳо ўгитларини янада чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилишмоқда.

Кечага ташкилотчилик қилган университет қошидаги Буюк Ипак йўли тадқиқотлари жамияти аъзолари Алишер Навоий асарларидан парчалар ўқиб, шоир ижодининг ўлмас ғоялари ҳақида ўзаро фикр алмашдилар.

Бундан бир йил муқаддам қадим япон тупроғида дўстлик, янгиланиш ва гўзалликнинг азалий рамзи ҳисобланган япон олчаси — сакура қийғос очилган палла да ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилган эди.

Буюк бобокалонимиз таваллудининг 564 йиллигига бағишлаб ўтказилган кеча ниҳоясида Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси ҳамда Сока университети жамоаси номидан ушбу ёдгорлик пойига гуллар қўйилди.

**Беруний АЛИМОВ,**
**"Жаҳон" АА,**
**Токио.**

# МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКДАН ДУНЁВИЙ ХАВФСИЗЛИК САРИ

**Тошкентда Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг (МЭГ) навбатдаги йиғилиши якунланди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида ана шу учрашув натижаларига бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди. Унда мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айлантириш таклифи биринчи бор мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан БМТ Бош ассамблеясининг 1993 йилда ўтган 48-сессиясида илгари сурилган эди. 1997 йил 15-17 сентябрь кунлари Тошкентда ўтган «Марказий Осиё — ядро қуролидан ҳоли ҳудуд» халқаро анжумани шартномани тузиш ва ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришга йўл очди.

МЭГнинг 2002 йил 27 сентябрда Самарқанд шаҳрида ўтган йиғилишида эса қатнашчилар мазкур ҳужжатнинг дастлабки матни юзасидан ўзаро келишувга эришди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, БМТ шафелигида ўтказилган Тошкент учрашуви самарали якунланди. Унда иштирок этган Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ташқи сиёсат маҳкамалари вакиллари Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома лойиҳаси матнини тасдиқлади. Унда Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ), БМТнинг Ҳуқуқий масалалар бўйича бошқармаси тавсияси ҳамда ядро қуролига эга 5 мамлакат — АҚШ, Буюк Британия, Россия, Франция ва Хитой билдирган таклифлар ўз ифодасини топди.

Томонлар Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича Тошкент баёнотини қабул қилди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Иброҳим Мавлонов ва БМТнинг Осиё ва Тинч океани минтақасида тинчлик ва қуролсизланиш масалалари бўйича минтақавий маркази директори Цутому Ишигури мазкур шартнома матнининг тасдиқланиши тарихий аҳамиятга молик воқеа эканини алоҳида таъкидлади. Ушбу ҳужжат нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки бутун жаҳонда ядровий хавфсизликни таъминлашга муҳим ҳисса қўшади.

Шартнома Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов ғоясининг амалий натижасидир. У минтақамизда тинчликни мустаҳкамлаш ва оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олишда, пировардида, дунёда ялпи ядровий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги гоят муҳим қадамдир.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Кейинги пайтларда оила қуриш остонасида турган ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтиши лозимлиги ва унинг моҳияти ҳақида эшитиб қолмоқдамиз. Шу тўғрида тўлароқ маълумот берсангиз.**

**М.Абдуғаниева, магистр.**

Ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш масаласида аввалига тортишиш, иккиланишлар бўлди. Унга шубҳа билан қараганлар ҳам топилди. Лекин тушунтириш, ташвиқот ишларининг мунтазам олиб борилиши ўзининг ижобий натижасини берди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 январдан қонуний кучга кирган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низом" катта ўзгаришларга олиб келди.

Никоҳланувчи шахсларнинг бир-бирининг жисмоний ва руҳий соғлиғи ҳақида маълумотга эга бўлмаслиги ўз-ўзидан салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Муҳими, барча тиббий текширувлар бепул, ҳар бир ёш тиббий-ирсий масалалар бўйича малакали мутахассисларнинг маслаҳатини олади. "Оила кодекси"нинг 17-моддасида тиббий кўрик фақат никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан амалга оширилиши қайд этилган. Текшириш натижаси шифокорлик сири ҳисобланади.

* * *

**Жамоат транспортида икки қоп юк билан кетаётган эдим. Мендан қоплар учун ҳам кира ҳақи тўлашини талаб қилишди. Мажбуран тўладим. Аслида таксида қимматга тушмай деб троллейбусга чиққандим. Назоратчиларнинг талаби тўғрими?**

**М.Эгамбердиев, ишчи.**

Ҳа, назоратчининг талаби қонунийдир. Бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 143-моддасида батафсил ёзилган: "Троллейбусда, трамвайда, шаҳар ичида ва шаҳар атрофига қатнайдиган автобусда, маршрут таксисида кира ҳақи тўламасдан юк олиб юриш ҳар бир юк жойи учун энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади".

* * *

**Бир неча йилдан бери чекишни ташлашга ҳаракат қилсамда, ҳеч уддасидан чиқа олмаяпман. Қандай маслаҳат берасиз?**

**Ж.Раҳимов, муҳандис.**

Чекишни ташлашга ёрдам берувчи бир нечта омиллар мавжуд. Улардан энг оммалашгани таркибида никотин моддаси бор — пластир, сақич ва ингалеторлардан фойдаланиш мумкин. Уларнинг таъсир қилиш механизми бир хил. Бу моддалар инсонни абстинент синдромидан ҳимоя қилган ҳолда, тамакига муҳтожлик сезилаётган организмни никотин билан таъминлайди. Бунда никотиннинг таъсирчанлиги юрак қон томири тизимида сақланиб қолади, бироқ энди танага тамакининг заҳарли тутунлари киритилмайди. Бу воситаларни чекишга бўлган эҳтиёж йўқолмагунига қадар истеъмол қилиш мумкин.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 113-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

---

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди олдидан*

# БОБУР ИЖОДИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодидаги дастлабки қадамларни, илк шеърларини ўрганиш унинг ижодини тадқиқ этишда қанчалик муҳим бўлса, унинг сўнгги асарларини, ҳаёти ва ижодининг охирги даврларидаги қарашлари, ўй-хаёллари ва кечинмаларини ўрганиш ҳам адиб ижоди ҳамда шахсиятини англаб етишда шунчалик муҳимдир.**

Бобурнинг ўзи "Бобурнома"да эътироф этишига қараганда, унинг дастлабки тугалланган ғазали ушбу матлаъ билан бошланувчи ғазалдир:

**Жонимдин ўзга ёри**
**вафодор топмадим,**
**Кўнглумдин ўзга маҳрами**
**асрор топмадим.**

"Бу ғазал етти байт турур, — деб ёзади Бобур. — Мундин сўнг ҳар ғазалким тугандим, ўшул тартиб била-ўқ битилди".

Бу Бобурнинг биринчи ғазали, лекин у ёзган биринчи шеър эмас. Чунки, бунга қадар гарчи тугалланган ғазал битмаган бўлса-да бир байт, икки байт шеърлар ҳамда бир нечта рубоийлар ёзган "Бобурнома"да қайд этилган. Улардан бири Бобур иккинчи марта Самарқандни олганидан сўнг унинг ҳузурида бўлган шоир Биноийнинг форс тилида ёзган рубоийсига жавоб тариқасида битилган ушбу рубоийдир:

**Ишлар бори кўнглунг**
**дағидек бўлғусидир,**
**Инъому вазифа бори**
**буйрулғусидур.**
**Ул ғаллау муҳмалки**
**деб эрдинг, бердим,**
**Муҳмалға бўю, ғалладин**
**уй тўлғусидур.**

Иккинчи рубоийни эса у Самарқандни Шайбонийхонга олдириб, Тошкентга тоғаси Султон Маҳмудхон олдига келган кунларида ёзган. Унда Бобурнинг ўша пайтдаги оғир аҳволи, руҳий кайфияти ўз аксини топган:

**Ёд этмас эмиш кишини**
**меҳнатда киши,**
**Шод этмас эмиш кўнгулни**
**ғурбатда киши.**
**Кўнглум бу ғарибликда**
**шод ўлмади, оҳ,**
**Ғурбатта севунмас эмиш,**
**албатта киши.**

Рубоийни келтирар экан, Бобур у пайтда тажрибасиз бўлганлиги, шу сабабли рубоийнинг қофияси борасида кўнглида шубҳа туғилгани ва тоғасидан бу тўғрида маслаҳат сўрагани, лекин қаноатланарли жавоб ололмагани ҳақида ёзади. Бу пайтда у ўн тўққиз ёшда эди.

Шу даврдан бошлаб Бобур умрининг охиригача ижод билан машғул бўлди. Тинимсиз уруш-юришлар ҳам, давлат ишлари ҳам уни шеъриятдан, ижоддан чалғита олмади. Ҳатто ҳаётининг сўнгги йилларида унга ёпишиб олган бедаво дард ҳам шоир юрагидаги шеър завқини сўндира олмади, унинг иродасини буколмади. Шоирнинг бир қатор шеърий асарлари айнан ана шу беморлик айёмларида, Бобур дард билан олишиб ўтган азобли ва изтиробли кунлар ва тунларда битилган. Жумладан, "Волидия"нинг шеърий таржимасини яратган пайтларида ҳам шоир оғир бетоб эди. Шунга қарамасдан у ўзини қатъий интизомга бўйсундириб, ҳар куни энг камида ўн байт ёзишини канда қилмаган. Шоирнинг машҳур

**"Сўрма ҳолимники бўлдум**
**бурноғидин зорроқ,**
**Жисм жонимдин афгору**
**жоним жисмдин афгорроқ**

матлаъси билан бошланувчи ғазали ҳам, шунингдек:

**Жисмимда иситма кунда**
**маҳкам бўладур,**
**Кўздин ўчадур уйқу чу**
**охшам бўладур,**
**Ҳар иккиси ғамим била сабримдек,**
**Борғон сайи бу ортадур,**
**ул кам бўладур, —**

рубоийси ҳам ҳаётининг охирги йилларида оғир беморлик туфайли изтироблар чеккан дамларидаги ҳолати ва кечинмаларини ўзида акс эттиради. Хуллас, шоир ўзининг сўнгги кунларига қадар шеър ёзишни тарк этмаган. Шундай экан унинг энг охирги, сўнгги шеъри қайси, ўзининг абадий маконга риҳлат қилажагини аниқ сезиб турган шоирнинг ўй-хаёллари ва кечинмаларини ўзида мужассам этган мисралар маълумми? деган савол туғилиши табиий. Шоир асарлари кўлёзмаларида ёки бошқа манбаларда бирон бир шеър Бобурнинг охирги шеъри эканлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Лекин биз бир рубоийнинг мазмунини мулоҳаза қилиб кўриб ҳамда уни бошқа айрим манбалар билан қиёслаб, мазкур шеър Бобур қаламига мансуб, унинг сўнгги кунларида битилган охирги шеър, деган хулосага келган эдик. Мана ўша рубоий:

**Йиллар тилаб ишни**
**қаю сақлаб турдим,**
**Юз жаҳд ила ишни**
**мунга еткурдим,**
**Мардона бўл энди**
**яхшидур иш келиши.**
**Тангрига сени, элни**
**сенга топширдим.**

Мазкур шеър Бобур Мирзо тахт ва тожни ўғли Ҳумоюн Мирзога топширган пайтида яратилган. Бу воқеанинг қандай бўлиб ўтганини Бобур Мирзонинг қизи Гулбаданбегим "Ҳумоюннома" асарида баён қилган. Унинг ёзишича, тахтни топширар экан Бобур бекларга ва Ҳумоюнга васиятлар қилган. Ҳумоюнга у: "Ҳумоюн, укаларингни, ҳамма қариндош-уруғ ва ўз одамларимизни сенга, сени эса Тангрига топшираман" деган. У шу сўзларни айтганда ўша ердагиларнинг барчаси йиғлаб юборган. "Бу сўзлардан у ерда турганлар ва буни кўрганларнинг ҳаммаси йиғлаб юборишди", — деган сўзларни битади Гулбаданбегим. Юқоридаги рубоий ана шу васиятнинг шеърий ифодасидир. Рубоийдаги "Тангрига сени, элни сенга топширдум" деган мисра буни яққол кўрсатиб туради.

Бобур Мирзо бу воқеадан кейин уч кун яшаган. "Уч кундан сўнг ўтинчи дунёдан абадий дунёга ўтдилар", — дея гувоҳлик беради Гулбаданбегим. Шунга кўра, мазкур рубоий Бобур Мирзо битган сўнгги шеър деб айта оламиз.

**Қодиржон ЭРГАШЕВ,**
**филология фанлари номзоди.**

---

*Тақдимот*

# САЛОМАТЛИКНИ САҚЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНЛОВ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури тўғрисидаги қарорида кўрсатилганидек, одамлар учун бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлиғини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, зарарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлишга, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа бир қатор масалалар дастурнинг асосий мақсадли вазифаларидандир.**

«Экосан» халқаро ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури тўғрисидаги қароридан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда «Ўзтелерадиокомпания» билан ҳамкорликда экология ва саломатлик мавзуларида чоп этилган энг яхши мақола, энг яхши радио эшиттириш ва энг яхши телекўрсатувларни аниқлаш мақсадида республика кўрик-танловини эълон қилди. Куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ушбу танловнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Мамлакат фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи миллатнинг саломатлигидир. Инсон саломатлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири эса инсон яшайдиган муҳитнинг ҳолати ҳисобланади. Танловнинг асосий мақсади ҳам аҳолининг атроф-муҳитнинг инсон саломатлигига таъсири ҳақида бохабарлигини ошириш, жамиятда саломатлик маданиятини шакллантириш, кенг жамоатчиликни экологик хавф келтирувчи касалликларга сабаб бўлаётган омилларни бартараф этишга қаратиш ҳамда экологик журналистикани рағбатлантиришдир.

2005 йил 1 февралдан 20 ноябргача давом этадиган танловда давлат ва нодавлат ахборот агентликлари, радио, телевидение, республика, вилоят, шаҳар ҳамда туманлар газета, журналларининг журналистлари иштирок этишлари мумкин. Якунлар чиқарилгач, танлов ғолиблари ташкилотчиларнинг диплом ва совринлари билан тақдирланадилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

---

**Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда ички бозоримиз учун сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар талайгина. Шулардан бири Мирзо Улуғбек туманида самарали фаолият юритаётган "Тошкент лок-бўёқ заводи" очиқ акционерлик жамияти жамоаси ҳам айни шу мақсадларни кўзлаб меҳнат қилмоқда.**

*Бозор ва харидор*

# САЪЙ — ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ

Мазкур корхона раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари туфайли цехлардаги дастгоҳлар янгиланмоқда, ишлаб чиқариш участкалари кенгайтирилиб, замонавий, юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилмоқда. Шу боис ҳам йилдан йилга завод маҳсулотлари сифати ошиб, турлари кўпаймоқда ҳамда буюртмачилар сафи кенгаймоқда.



Завод маҳсулотларининг асосий буюртмачиларини қурилиш ташкилотлари, қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқарувчилар ҳамда кимё саноати корхоналари ташкил этади. Сифатли, барча талабларга жавоб берувчи лок-бўёқ маҳсулотлари нафақат республика вилоятлари, балки Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларига ҳам жўнатилмоқда.

Эътиборлиси, "Пф-191", "ПФ-115", "КБ" турдаги сифатли эмаль бўёқлари, "ПФ-283", "БТ-51" локлари, "Оксоль" олифлари, кўплаб хилдаги пигментлар жуда харидоргир ҳисобланади. Тинимсиз изланишлар, тажрибали ишчи-хизматчиларнинг самарали меҳнати туфайли ҳам биноларнинг ичи, фасади учун, йўллар учун, металларнинг емирилишига қарши, об-ҳаво инжиқликларига чидамлилигига эътибор берилиб маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Лок-бўёқ маҳсулотлари нафақат кўплаб турларда, балки ҳар хил сиғимли қулай, бежирим идишларда ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, 0,4 килограммликдан тортиб, 2-2,5, 3-3,5 килограммгача қадоқланган лок-бўёқлар экологик тозалиги ҳамда рангларининг ёрқинлиги билан харидоргир. Ушбу маҳсулотларни заводга қарашли "Lok bo'yoqchi" фирмали дўконидан ҳам харид қилиш мумкин.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТДА: "Тошкент лок-бўёқ заводи" очиқ акционерлик жамиятининг тажрибали иқтисодчиси Дилбар Ғоибназарова маркетинг бўлимининг ёш, ишчан мутахассиси Беҳзод Ҳасанов билан ижодий мулоқотда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

**Ҳозирги кунда шаҳар ҳудудида тинчлик, осойишталикни таъминлаш мақсадида «Антитеррор», «Тозалаш», «Тун» тадбирлари амалга оширилмоқда.**

● Чилонзор туманида Қатортол кўчасидаги автобус бекати олдида Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туманида яшовчи Убайдулло ва Иброҳимларни тан жароҳати етказиш билан қўрқитиб оёғидаги пойабзали ва чарм курткасини тортиб олиб, қочиб кетаётган вақтида, ўша ерда хизмат олиб бораётган, «Тун» махсус тадбирига жалб қилинган Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари Камолов, Рустамов, Нурмуҳамедовлар томонидан 1981 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган, Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туманида яшовчи Хайрулло далилий ашё билан ушланди. Ҳозирги кунда ушбу ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Юнусобод туманида шу туманда яшовчи Воситжон таниши Рашиднинг уйида меҳмонда бўла туриб, унинг ухлаб қолганлигидан фойдаланиб кийим-кечакларини ўғирлаб кетган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида қисқа фурсатларда тезкор ходимлар томонидан талончи далилий ашё билан ушланди. Ҳозирда у терговчи саволларига жавоб бермоқда.

● Оммавий ахборот воситаларида фирибгарлар тузоғига тушиб қолмаслик тўғрисида кўп гапирилади. Шунга қарамай ҳамон айрим юртдошларимиз фирибгарлар домига илинмоқдалар. Масалан Миробод туманидаги "Миробод" бозори олдида, Тошкент вилояти, Янгийўл туманида яшовчи Аъзам ва Тўлқинлар нафақахўр, Қўйлиқ мавзесида яшовчи Лобарни алдаб "Жиянингизни ўқишга жойлаштириб қўямиз" деб 2300 АҚШ долларини олиб, қайтариб беришмаган.

● Сергели туманида эса ўз уйида Игорь исмли фуқаро таниши, "Бухоротранс" бошқармаси ишчиси, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳрида яшовчи Расулни "Чет элга ишга юбораман" деб алдаб 16000 АҚШ долларини олиб, қайтариб бермаган. Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Яккасарой туманида номаълум шахс, дераза орқали кириш йўли билан, Ивлев кўчасида жойлашган 227-болалар боғчаси мудири хонасидаги сейфдан 110000 сўм пулни ўғирлаб кетган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида тезкор ходимлар томонидан, шу боғча қоровули, илгари судланган, Пирмуҳаммедов кўчасида яшовчи Рашид ва судланган Миробод 1-тор кўчасида яшовчи Эриклар ушланди. Улар яқин кунларда қонун олдида жавоб берадилар.

**Дилбар ЁДГОРОВА,**
**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Матбуот маркази жамоатчи мухбири.**





Она-табиат гулу чечакларидан баҳра олиб, уларни парваришлаш ёшу каттанинг энг севимли юмуши.
Козим Ўлмасов ва Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

# МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

## 12 февраль, шанба

**Ушбу кунда туғилганлар сир-асрорли кишилар бўлиб, улар ўзларининг шу хусусиятларидан фойдаланишни яхши билишади. Улар ер тагида илон қимирлаганини сезадиган, сув ости оқимларини яхши ҳис этадиган қобилиятга ҳам эгадирлар.**

Соат 12 гача иш юзасидан ҳар қандай мулоқотлар, тажриба ва ахборот алмашувлари фойдали. 12 дан кейин эса, учрашувларни чеклаш, муҳим ишларни бошлашдан, зарур ҳужжатларни имзолашдан ўзингизни тийинг. Кечқурун эҳтиросларга берилиб кетиш, кайфиятингиз дам тушиб, дам кўтарилиб туриши эҳтимоли кучаяди.

Мабодо, эрталаб кетмакет аксириб юборсангиз, бу яхшилик аломати ҳисобланади. Тасодифан ўз исмингизни эшитиб қолсангиз – бу ҳам омад белгиси. Кун бўйи сизни мусиқа товуши таъқиб этса ёхуд миянгизда куй янграб турганини ҳис этсангиз, булар бахтли ўзгаришлардан нишона. Кийимингизнинг йиртилиши ёки устингизга сув тўкилиши, тирноғингизнинг синиб қолиши нохушликлардан огоҳлантириш деяверинг.

Агар тушингизда мусиқа овози ёки ҳар хил товушларни эшитсангиз, кўрганларингиз ўнгидан келади. Тушдаги олов хатолардан сизни огоҳлантиради.

Ёрқин рангли кийимлар — олтинранг, сариқ ва настарин гули рангидаги либослар омад келтирса, қора ранглардан нохушлик кутаверинг.

Шу куни:

— ҳар қандай ишни бошлаб юбориш,

— йўқолган нарсаларингиз, жониворларни, керакли кишилар ва дўстларингизни излашга киришиш,

— раҳбарлар билан мулоқотда бўлиш,

— ҳар қандай муаммоларни янгича, оригинал усулда ҳал этиш тавсия қилинади.

Ҳатто ўзингиз учун ғоят муҳим бўлган масалалар юзасидан ҳам бировлар билан олишиш, қариндошлар билан муносабатларингизни аниқлаш, мулкий можароларни бошлаш, ўжарлик, зиқналикка йўл қўйиш тавсия этилмайди.

**Бу кунни эски нарсалардан воз кечиш ва янгиларини яратиш куни дейиш мумкин. Қурилиш ишларини бошлаш, саёҳатлар ва сафарлар учун кун қулай келади. Эр-хотинлар муносабатлари, муҳаббат учун ҳам айнан яхши кун. Бу кунни болаларга бағишлаш, улар билан ўйин-кулги қилиш, эртаклар сўзлаб бериш, болалигингизни эслаб, ундаги барча яхши хотираларни сўзлаб беришингиз керак.**

## 13 февраль, якшанба

Шу куни ялтироқ нарсани топиб олсангиз бўлажак омадингиздан нишона. Мабодо, кийимингиз йиртилиб ёки ёниб турган олов сўниб қолса, тирноғингиз синиб кетса — келгуси хавф-хатарлардан огоҳлантириш демакдир. Бу кеча ёрқин тушлар кўриш, айниқса олов, чақмоқ, камалакни тушда кўриш – яхшиликка ишора. Тўй-базмлару зиёфатлар ҳам хурсандчилик келтиради.

Жигар ва ўт пуфаги хасталикларга мойил бўлиб, аллергия реакциялари хуруж қилиши мумкин. Бедармон ёки хаста кишилар бугунги кунни кўпроқ уйқуда ёки ўзларини кўп ҳам уринтирмай ўтказганлари маъқул.

Янги, байрамона оқ ва сариқ рангли кийимлар кийинг. Қора, кулранг, рангсиз либослардан қочганингиз маъқул.

Маслаҳатларимиз:

— руҳий мувозанатингизни тиклаш,

— дўст-душманлар билан ярашиш,

— кимгадир муҳаббат қўйиш,

— ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва бошқа муҳим муаммоларни ҳал этишда фаол қатнашиш,

— яқинларингиз билан кўришиб туришга вақт топишни тавсия этамиз.

Қаттиқ ҳориб-чарчаб ишлаш, янги ишларни бошлаш, йўқотганларингизни қайтаришга интилишни маслаҳат бермаймиз.

## 14 февраль, душанба

**Кўникма орттириш ва янги касб-ҳунарлар эгаллаш кунидир бу кун. Янги либос сотиб олиш, савдо-сотиқ, муаммоларни бартараф этиш билан шуғулланиш самарали бўлади. Шошма-шошарлик,мантиқсиз хатти-ҳаракатлардан ўзингизни тийинг.**

Уй-рўзғор ишлари билан машғул бўлиш, узоқ вақт давом этиши кутиладиган ишни бошлаб юбориш учун ҳам бу кун қулай ҳисобланади.

Шу куни сотиб олинган нарса йиртилса, синса ёки йўқолса – бир ой давомида катта харидлар қилмаслик керак. Мабодо, уйингизда калит синса ёки қулф бузилса, нимадир йиртилса – хавф-хатардан огоҳлантириш демакдир. Кўчада учраган пул ёки тангаларни олманг – зеро, бунда ўзгалар ташвишини зиммангизга олган бўласиз.

Тушларингиз ўнгидан келади. Йўл, дарахтлар, тоғларни кўриш омадли ўзгаришларга ишора. Марҳум қариндошларни кўриш ҳам яхшилик аломати.

Жигарингиз заифлашади. Томоқ, лак-лук, қулоқ олди безларини операция қилдирманг.

Бошдан-оёқ янги кийимлар кийиш, бунда сариқ, ҳаворанг ва оч яшил рангларга эътибор қилиш фойдали. Қизил, зарғалдоқ ранг ва бинафшаранг либосларни нарироқ суриб қўйинг.

Бу кун:

— интеллектуал ва кўпроқ ўзингизга ёққан меҳнат билан шуғулланиш,

— кўпроқ вақтингизни очиқ ҳавода, жонли табиат қўйнида ўтказишингиз,

— уй ҳайвонлари, хонаки ўсимликларга ғамхўрлик қилиш,

— бирон-бир хайрли иш қилиш, мурувват кўрсатиш тавсия этилади.

Дағаллик ва муросасизликни намоён этиш, жаҳлга эрк бериш, кайфият бандаси бўлиш, ўз мақсад-мўлжалларингизни дўстлар ва ишдаги ўртоқларингизга гапириб беришдан ўзингизни тийинг.

*Маънавият*

# МАКТАБДА НАВОИЙХОНЛИК КЕЧАСИ

**Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳам наср, ҳам назмда баракали ижод қилган зуллисонайн адиб. Унинг асарларида тараннум этилган эзгулик, муҳаббат, инсонийлик ғоялари миллат, халқ манфаатига хизмат қилиб, инсонни буюкликка дахлдор этади.**

Айни кунларда буюк бобокалонимиз Навоий ҳазратлари таваллуд куни шаҳримизнинг барча илм даргоҳларида муносиб нишонланмоқда. Ушбу қутлуғ санага бағишланган тадбир Акмал Икромов туманидаги 245-мактабда ҳам тантанали тарзда ўтказилди.

Тадбирда мактабнинг юқори синф ўқувчилари қатнашиб, бири-биридан ажойиб саҳна кўринишлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Мактабнинг бошланғач синф ўқувчилари эса Навоий бобомизнинг ғазалларидан ўқиб, уларнинг руҳини ёд этдилар. Айниқса "Хамса" асари қаҳрамонларининг саҳнада намоён бўлиши ва ўқувчиларнинг моҳирона ижроси кўпчилик эътиборини тортди.

— Бобокалонимизнинг таваллуд айёмларига бағишлаб ўтказилган ушбу навоийхонлик кечасига тайёргарлик жараёнида ўқувчиларимиз Навоий асарларининг яратилиш тарихи, унинг ҳаёти тўғрисида кўплаб маълумотларга эга бўлишди, — дейди жумладан тадбир ташкилотчиларида бири, ўқитувчи Васила Аҳмедова. — Ушбу байрам кечасини уюштиришда: Малоҳат Ёқубова, Мунира Сулаймонхўжаева, Феруза Мақсудова каби ўқитувчилар яқиндан ёрдам беришди.

Тадбир сўнгида ғазалхонлик куй-қўшиқларга уланиб, барча йиғилганлар ушбу кечадан катта таассуротлар олишди.

**Озода РАҲМАТОВА**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР
ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
газеталари таҳририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95
ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»**
**республика бирлашмаси**
**Тошканбой Эгамбердиев номидаги**
**Тошкент Давлат цирки**
**2005 йил 18 мартдан**
*Диққат! Диққат!*

КУТИЛМАГАН ВОҚЕА Тошкент Давлат циркида

ПАРИЖ-ТОШКЕНТ — ИСПАНИЯ транзит йўли асосида жаҳонда ягона

РЕВЮ МУЗ ШОУСИНИ 18 мартдан бошлаб томоша қилишга шошилинг

Цирк кассаларида ҳозирча чипталар бор.

Жума, шанба, якшанбада

Биз Сизларни ўз Шоумизда кутамиз

Келганингиздан афсусланмайсиз!!!

Томошаларга жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.

Касса эрталабки соат 9.00 дан очиқ.

**Маълумотлар учун телефонлар:**
**144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Ҳар кимнинг ичи болалар ноғораси каби бўш бўлса, унинг беҳуда овози халқ миясини, ўзининг эса дарвозасини қиртишлайди.

● Яхши сўз бебаҳо бойлик асоси, камгаплик эса саломатлик сармоясидир.

**Сўз айтсанг сен фақат**
**фойдали сўз айт,**
**Бу билан жой олгин**
**элнинг дилидан.**
**Бўлмаса сўзламай жим**
**ўтир, чунки,**
**Инсонга не келса**
**келар тилидан.**

● Қадимий Юнон ҳакимларининг айтишларича, кимки беақл ва енгил бўлса, ўйламай сўзлашда дадил бўлади. Бундай кишилар сўзнинг шаҳвор дур эканини ва уни беҳуда сочиш одам учун путур эканини билмайдилар.

● Форс донишмандларидан Барзув ал Ҳаким насиҳатлари. У ёзади:

— Ҳар нарсанинг пайдо бўлиши учун бир сабаб бўлади. Шунинг учун нимаики вужудга келган бўлса, аввало унинг сабабини қидирмоқ лозим. Масалан, яхши ҳаёт кечириш сабаби муроса, сирнинг ошкор бўлмаслиги сабаби ўзгаларга ёмон ниятда кўз тикмасликда, гина сабаби бадфеълликда, дўстлик сабаби очиқ юзлиликда, жудолик сабаби, азоб, адоват сабаби хилофлик, хорлик сабаби тама, иззат сабаби қаноат, нажот сабаби ростлик, улуғлик сабаби тавозе.

● Анушервон бир куни Юнондан:

— Энг яхши яшаш нима? — деб сўради.

Юнон унга:

— Саломат бўлиш ва хотиржамликда яшаш — яхши яшашдир. Аммо, яхши ном қолдириш кишининг абадий яшашидир! — деди.

● Ҳормуз ҳаким сўзларидан. У айтади:

— Одам учун сазовор нарса шуки, у ҳикмат ўргансин, донолик илмини билсин ва уни юрагига нақш қилсин. Ҳикмат ва фазилатга етишга қаршилик, тўсқинлик қилолмайди. Ҳикмат шундай нарсаки, у ўзгармайди ва касод бўлмайди. Ҳикматни кимки дилига жойлаган бўлса, на ботир, на қаҳрамон, на подшоҳ ҳеч ким уни тортиб ололмайди. Киши ўз ниятини сўз билан мувофиқ қилсин, токи тили бошқа-ю, дили бошқа бўлмасин!

● Бузургмеҳр айтади:

— Билгинки, ҳаким ўз табиати билан қуйидаги хислатларга эга бўлмоғи керак. Биринчи, қўлдан кетиш ва абадий турмаслиги муқаррар бўлган мол билан фахрланмаслик. Иккинчи, бошга келган меҳнатдан қўрқиб изтироб чекмаслик. Учинчи, келажакда унга муяссар бўладиган давлат учун шодланмаслик. Тўртинчи, ўзига лойиқ ва муносиб бўлмаган нарсани орзу қилмаслик. Бешинчи, етиша олмайдиган нарса учун қайғу тортмаслик.

● Уч нарса ўз соҳибига ёмонлик келтиради. Булар қуйидагилардир. Биринчи, мансаб эгаларининг кам ҳаракат ва беҳафсалалиги. Иккинчи, олимларнинг серғазаб бўлиши. Учинчи, хотинларнинг бешарм бўлиши.





**Зеҳнли, идрокли, зийрак нигоҳли болажонлар мамлакатимиз келажагининг муносиб бунёдкорларидир.**
**Наталья Семёнова олган суратлар.**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ...ДОКА РЎМОЛНИНГ ҚУРИШИ

Қадрдонларимиздан бири бизга бир ҳаётий воқеани айтиб берди. Унинг ёш оилалар учун ибратли томонларини ўйлаб, шундайлигича қоғозга туширишга ҳаракат қилдик.

Ҳаммаси совға жанжалидан бошланди. Туғилган кунимни нишонлашда барча дўстларим қатори келинингизнинг дугоналаридан Назира, Вазира, Нафисалар ҳам қатнашди. Одатда таваллуд кунларида таклиф этилган хонадонга қуруқ қўл билан келиб бўлмайди. Топган гул келтирар, топмаган бир боғ пиёз деганларидек келинингизнинг дугоналари ҳам ўзига хос совғалар билан келишди.

Ўша куни анча вақтгача хонадонимиздан кулги аримади. Ўйнадик, кулдик, қўшиқ айтдик. Жуфт-жуфт бўлиб ўйинга тушдик. Хуллас, кунимиз кўнгилли ва мароқли ўтди. Алла-паллада меҳмонлар ижозат сўраб бирма-бир тарқала бошлади.

Уйда ўзимиз ёлғиз қолгач хотиним менинг қариндош-уруғларим, дўстларим олиб келган совға-саломлар қолиб ўзининг томонидан келган ва дугоналари олиб келган совғаларни кўз-кўз қила бошлади.

— Адам билан ойим сизга бош-оёқ сарпо қилиб келишибди, мана кўринг. Укам зар чопон, синглим соат олиб келибди. Мана бу дугоналарим олиб келган совға. Иккита кўйлак чет элники, Назира ва Нафисадан. Мана буниси соқол оладиган машинка, Вазирадан.

— Уларнинг қайси бири Назира, Нафиса, Вазира, мен билмасам...

— Ўсмоқчиламай қўя қолинг. Бинойидек «ухаживат» қилиб ўтирдингизку уларга. Наҳот танишиб олмаган бўлсангиз. Айниқса Вазиранинг тепасида гирдикапалак бўлиб юрдингиз.

Бу гапни ҳазилга йўйиб кулиб қўйдим.

— Ҳа энди дугоналарингиз зерикмасин дегандирман-да.

Чарчаган эканмиз шекилли совғаларни бир четда қолдириб уйқуга кетдик. Ярим кечада телефон тўсатдан жиринглаб қолди. Бориб гўшакни кўтарсам ундан аёл кишининг овози эшитилди.

— Ботир ака, кечирасиз, мен Вазираман. Боя ўтирган жойимда бармоғимни қисганидан узугимни ечиб столга қўйган эдим. Зарифахондан сўранг, дастурхонни йиғиштирганда кўрмабдими?

Хотиним уйқусираб ёстиқдан бош кўтарди.

— Ким билан гаплашяпсиз?

— Вазира билан.

— Вой нега ярим кечада Вазира билан гаплашасиз?

— Дастурхон устида узуги қолиб кетибди.

— Қарангчи, дастурхонни йиғиштирмагандим. Балки устида тургандир.

Дарҳол меҳмонхонага чопдим. Қарасам узук чиндан ҳам қолиб кетган экан.

— Вазира узугингиз топилди, — дедим гўшакни қўлимга олиб.

— Раҳмат, Ботир ака. Сиздан энди битта ош қарз бўлдимда. Қачон қилиб берай?

— Ҳа, энди ош бўлса бир кун ермиз, — дедим гўшакни қўйиб.

— Нима гап, нима бало, бир кўришнинг ўзида дарров ош ейишга тушиб қолдинглар.

Хотин киши шунақа майда гап бўлади. Индамай уйқуга кетдим.

Эрталаб турсам совға қилинган машинка стол устида турган экан, қўлимга олиб токка уладимда соқол ола бошладим. Хотиним уч-тўрт марта бир машинкага, бир менга синчков қараб қўйди.

Энди нонуштага ўтирган эдик, эшик қўнғироғи жиринглади. Маликаи дилозорни уринтирмай қўя қолай деган мақсадда чаққон бориб эшикни очсам рўпарамда Вазира турибди.

— Вой Ботир ака, раҳмат. Узук ўлгурни йўқотиб қўйдимми деб қанча куйиб-пишдима. Зари уйдами?

Ичкаридан хотинимнинг овози эшитилди.

— Ҳа, кетиб қолди деб ўйловмидинг, уйдаман, келавер.

Вазира шўх кулиб хотинимни қучди. Узукни қўлига олиб қувонганидан кетар чоғида яна бир бор «раҳмат» дея қўлимни қисди. Хотиним ўғри қараш қилди.

Эртасига яна машинкани ишга солдим.

— Ҳой, менга қаранг, кун ора соқол оладиган одам, нега энди ҳар куни соқол қиртишлайдиган одат чиқардингиз. Нима бало, машинка ёқиб қолдими ёки уни ҳадя қилган одамми?

Хотинимнинг ҳар куни писиллатиб ўқ отиши жонимга тегибди шекилли, бу сафар унга қаттиқ-қуруқ гапириб юбордим. Шу баҳона сан-манга бориб қолдик. Яхши ҳамки, орадан кўп ўтмай Вазиранинг эри узоқ вилоятлардан бирига қандайдир ишга тайинландию, улар тезда ўша ёққа кўчиб кетишди. Бўлмаса хотинимда пайдо бўлган шубҳа-гумонларнинг охири нима билан тугарди, билмайман.

Барибир эр-хотиннинг уруши, дока рўмолнинг қуриши эканда.

— Адаси бизни кечиринг, бекорга сизни хафа қилиб қўйдик, — деб қолди хотиним орадан икки кун ўтар-ўтмай.

Индамадим. Жавоб ўрнига секин бориб унинг елкасидан қучиб қўйдим.

## СИР СИРЛИГИЧА ҚОЛСИН

Олий ўқув даргоҳларидан бирида маънавият сабоқларидан имтиҳонга қизғин тайёргарлик борарди. Қаттиққўл деб ном чиқарган домла ёнига курсбошини чорлади.

— Эртага имтиҳон, биласиз, талабаларга айтинг, қаттиқ тайёрланишсин. Ҳеч қанақа важ-карсон кетмайди. Имтиҳондан ўтган ўтади, ўтмаган йўқ. Ундан кейин журнални олиб талабаларнинг давоматини ҳисоб-китоб қилиб чиқинг. Ярим йилликда ким уч марта сабабсиз дарс қолдирган бўлса, имтиҳонга овора бўлиб кирмасин.

Курсбоши хонадан чиқиб журнални бирма-бир варақлашга тушди. Қараса уч марта, ҳатто ундан кўпроқ дарсга кирмаганларнинг сони гуруҳ талабаларининг етмиш фоизини ташкил қиларкан. Унинг ўзи ҳам сабабсиз тўрт марта машғулотга келмаган экан.

Ҳамманинг боши қотган, асаблар таранг. Ундан-бундан домлани юмшатиш йўлларини сўраб-суриштириш бошланди. Шунда юқори курсдагилардан биттаси секингина шундай дебди.

— Бунинг йўли осон. Домлага пул йиғиб бериш керак. Шунда у сўраб-суриштириб ҳам ўтирмайди. Ҳаммага тўрт ва беш баҳо қўйиб бериб, ярим соатда имтиҳонни тугатади.

Шунда талабалар келишиб, найранг ишлатиб, домлани мот қилмоқчи бўлишибди.

Эртасига домла савлат билан имтиҳонга келибди. Курсбошини чақириб унинг суҳбатини олибди.

— Домла, — дебди курсбоши, — ҳаммаси сиз айтганингиздек яхши бўлади. Баҳоли қудрат ҳаммадан оз-озроқдан йиғиб қўйдик. Ҳозир берайми?

— Ие, чўнтагингизга қўл суқа кўрманг биродар, биров кўриб қолади. Имтиҳондан кейин берасиз, — дебди домла шошилиб. — Лекин айтиб қўяй, сир-сирлигича қолсин.

Шундан кейин талабалар бирин-кетин имтиҳонга кириб келишибди.

— Биламан, сиз дарсни яхши ўзлаштиргансиз. Чипта олиб ўтиришга ҳожат йўқ. Баҳо дафтарчангизни олинг, — деб домла бир чеккадан ҳаммага тўрт ва беш баҳо қўйиб чиқаравериибди. Имтиҳон тезтовур тугаб, домла курсбошига юзланибди.

—Қани йигитча, энди бир ҳисоб-китоб қилиб қўяйликчи?

— Домла, кечирасиз, — дебди курсбоши хомуш тортиб, — бу ёғи насия бўладиган бўлди. Талабалар ҳозир чақамиз ҳам йўқ, қўлимизга пул тушганда домлани ўзимиз хурсанд қиламиз, дейишяпти.

— Ие, буёғи неча пулдан тушди йигитча, — дебди лол қолган домла.

— Неча пулдан тушганини билмайману, лекин ишонинг сир-сирлигича қолади домла, — дебди курсбоши жилмайиб.

Ўйлаймизки, гап эгасини топади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 2865 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-208. 1 2 3 4 6